**1. Соғлом авлод деганда кўз олдимизга нималар ва кимлар келади?**

**2. Нега айнан янги аср бўсағасидаги йил Соғлом авлод йили деб аталди?**

**3. Мазкур шиор — жамиятнинг қайси табақасига қаратилган?**

**4. Соғлом авлод етиштириш манбалари қаерда, қандай ва нималардан ташкил топади?**

**5. Соғлом авлодни тарбиялашни ким қандай идрок этади?**

Саволлардан кўриниб турибдики, масала ғоят жиддий, муҳим ва мураккаб; бинобарин — ўта долзарб. Бу борада айни кунларда муаммолар кам эмас. Уларнинг энг самарали ечимини излаб топиш эса, аввало жамиятимизнинг энг етук табақалари вакиллари зиммасига тушади. Зеро ҳар қандай тарихий вазиятларда ҳам ўз авлодларини соғлом тарзда ўстириш, уни давр тақозоси билан кун тартибига чиқиб турадиган барча соҳаларга оид талабларга жавоб беришга қобил, ишчан, курашчан, иймон-эътиқоди бутун шахс даражасига олиб чиқиш — ҳар бир миллатнинг энг буюк вакиллари ҳаёти мазмунидан иборат бўлган. Бундай ниятни олий мақсад қилиб қўйган даҳолар гоҳо энг таҳликали, таҳдидлар хавф солиб турган кезларда ҳам бошларини гаровга қўйиб бўлса-да, қизғин фаолиятларини давом эттирганлар. Чунки эл-юрт тақдири шунга боғлиқлигини улар чуқур тушунардилар. Бунга тарихдан истаганча мисоллар топилади. Зеро инсоният тараққиётининг қайси босқичига назар ташласангиз, энг буюк шахслар, улар қайси миллат ёки касб-ҳунарга мансублигидан қатъи назар, ўз авлодининг соғлом бўлиб етишувига бефарқ қараган эмас, ҳатто бутун фаолиятида бу муаммога эътиборини заррача камайтирган эмас. Негаки, бу миллати, ватани, жамияти тақдири-ку! Унга бефарқлик — ўз илдизига болта уришдан иборатлигини онгли инсон тушунмаслиги мумкин эмас эди. Буюк аждодларимиз ўз даврларида айни ўзлари сингари буюклар табақасини кўпайтиришга муттасил интилиб яшаганлар...

Модомики, ўтмишдаги буюк авлод-аждодларимизнинг ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларини тиклашга, уларнинг энг ноёб анъаналарини бугун ижодий ривожлантиришга бел боғлаб, **буюк Истиқлолимиз талабларига жавоб берадиган соғлом авлод етиштириш нақадар долзарблигини ҳаммамиз ҳам тўла идрок этамизми? Агар «ҳа, тўла идрок этамиз» деб жавоб бериладиган бўлса, туғма ногиронлар-у жисмонан соғлом туғилгани билан — маънавий хаста — ўз Ватани, халқи, Истиқлолига хиёнат қилаётган баъзи ёшлар-у катталар орасидан чиқаётган ёвузлар қаёқдан пайдо бўлди? Демак, соғлом авлод етиштириш муаммосини — давлат сиёсати даражасида қўйишда ташаббускор бўлаётган Юртбошимиз — бу масалада ҳам ғоят муҳим ва мураккаб, айни вақтда ўта долзарб талай фикр-мулоҳазаларга бизни чорлайдилар, халқимиз эътиборини қаратишга даъват этадилар. Бугина эмас, Соғлом авлод етиштиришга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқилади. Унинг фаоллари — ҳукумат доирасида иш юритадиган мутасаддилар гуруҳи тузилди. Булар олдига нақадар масъулиятли, шу билан бирга, нақадар шарафли вазифа юкланганлигини ҳар бир онгли шахсгина чуқур тушунади. Негаки, «онгли шахс» ибораси билан таъкидлаб ўтилганлар сафлари қанчалик устуворлик қилса, жамиятимизда айб, нуқсон, жиноятчилик шунча камайган бўлур эди. Масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани** бўлмас экан... Ана шу нуқта ҳамма масъулиятни ота-онага юкламайдими?! Боғча, мактаб, мадраса — ҳаммаси ундан кейинги гаплар эмасми? Қайси боғча, қайси мактаб, қайси мадраса бола тарбиясига қарши иш тутган? Бундай ҳодисани ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ким кўрган? Ҳеч ким кўрган эмас. Демак, бола тарбиясида дастлаб ота-она, ундан кейин бошқалар туради. Демак, ёш авлод билан баб-баробар ота-оналарни ҳам тарбиялаш — давлатимиз, жамиятимиз олдида турган вазифа бўлиб чиқади... Буни ота-она — бошқа шароитда яшашга ўрганолмайди, ишга тоби йўқ, оиланинг бирон муаммоси уни қизиқтирмайди, шу негизда келишмовчиликлар қалашиб кетаверади... Буни ким қандай тушунади? Ихтиёр ўзида...

Агар жиддийроқ ўйлаб қарасак, мазкур масалаларнинг туб моҳиятини теран идрок этиш, ҳаётда уларга амал қилишда ҳам буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий меросларимиз бизга кўмак беради. Бугина эмас ҳозирги жаҳон тажрибалари билан уларни уйғунлаштириб англаш билан фаолият

***2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганимизнинг маъно-мазмунини, пировард аҳамиятини чуқур англаган ҳолда бу мақсадларимизни нафақат жорий йилда, балки келгуси даврда давлат сиёсати даражасига кўтариб, умумхалқ эзгу ҳаракатига айлантиришимиз даркор.***

**Ислом КАРИМОВ.**

*Нуқтаи назар*

# СОҒЛОМ АВЛОД — У ҚАНДАЙ ТУШУНЧА?



**боиси асли шу нуқтада дейилса ҳам хато бўлмаса керак...**

Энди биз мулоҳазаларимизнинг туб негизига тақалиб келдик. Ўйлаб қарайлик: «Меҳрибонлик уйи» деб аталган жойлардаги туғма ногиронларга давлатимиз, шахсан Президентимиз меҳр-шафқат кўрсатаётганларини ҳамма билади. Бироқ уларнинг пайдо бўлиши ўзи бир фожиа-ку?! Сабаблари ҳақида тиббиёт ходимлари, дин арбоблари телерадиоларда чиқиб анча қимматли фикрларни айтишди. Гиёвандлик, яқин қариндошга қуда бўлиш сингари талай нуқсонларни туғма ногиронликнинг туб манбаларидан эканлигини асослаб беришди. Бугина эмас, соғлом туғилган боланинг ота-онаси муносабатларидаги носоғлом муносабатларнинг бола тарбиясидаги зарарларичи?! Айни шу нуқта қанчадан-қанча болаларнинг маънавий майиблигига сабаб бўлаётганини ким билмайди?! Демоқчимизки, оиладаги муҳит — бола дунёқарашининг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу масалада Юртбошимиз бир жуда муҳим фикрни ўртага ташладилар: бола беш ёшга етгунча олган тасаввурлари — тушунчалари — унинг умр бўйи олган ахборотлари ярмини ташкил этар экан. Демак, беш ёшдаги тушунчалар, дунёқарашлар, инсон умрининг бутун борлиғини ҳал этади дейилса-да, хато ёки оила маданияти деб аталдики, тарбиянинг туб негизи ҳам шу бўлса керак...

Модомики, масала оилага бориб тақалдими, ўз-ўзидан келин, куёв, қайнона — келин ва бутун оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари келиб чиқади. Келинга муносабатда қадим-қадимлардан қайноналар ҳақида жуда кўплаб гаплар айтилган. Аксари ёшлар тақдирини қайноналар ҳал қилади. Уларга салбий таъсир кўрсатган қайноналар — оқибатда ҳамиша оилани қийнаган, чигаллаштирган. Ахир Кумушга Зайнабни мажбуран кундош қилиб қўйган ва ниҳоят бутун оилани барбод қилган «чаладумбул» табиат Ўзбекойимнинг кеккайиб кетишидан пайдо бўлган «орзу»ларидан келиб чиқмадими?! Ўзбекойим буни истаган эмас: қилмишларидан чиқадиган натижаларга ақли етмаганидан хонавайрон бўлади. «Ортиқча иш кўрсатаман деганлар баъзан ҳалокатга учрайдилар» деган экан бир донишманд. Меъёрдан ортиқ ҳавасларга интилиш оқибати ҳамиша ҳам яхшиликка олиб келавермайди. Оилавий ҳаётда ўғил-қиз тарбиясида бу жуда муҳим аҳамият касб этади. Негаки, баъзи ота-оналар болаларини тўйдириб едириш, яхши кийинтиришга энг кўп эътибор берадилар-да, унинг маънавиятини ортиқча ўйлаб ўтиришмайди. Бундай уйда ўсган қиз турмушга чиққандан кейин кўрсатиш — бу масалада жуда муҳимдир. Агар биз ўз миллий тарихимизда ўтган Алишер Навоийдан тортиб, XX аср бошларидаги жадидчилик намояндаларининг энг илғор вакилларидан қолган маънавий мероснинг қайси бирига назар ташласак, соғлом авлодни маънавий етук қилиб ўстиришга нақадар катта аҳамият берганларини кўрамиз.

Агар таъбир жоиз бўлса, биз кўзда тутган буюк аждодларимизнинг ҳам миллий, ҳам умуминсоний юксак фазилатларга эга бўлишлари боиси ҳам шунда бўлса керак. Негаки, улар қайси ишга қўл урган бўлсалар, ҳаммасида бу масалага бирор жиҳатдан ёндошганларини кўрамиз. Бинобарин улар ҳамиша ҳар ишда ўзларидан илгариги буюкларга ҳурмат-иззат билан қараганлар. Яъни аввало ўз миллий тарихлари, шу билан бирга жаҳондаги барча халқ ва миллатга мансуб буюк шахсларнинг маънавий меросидан ижодий фойдаланганлар ва худди шу йўл билан ҳам миллий, ҳам умуминсоний маънавий хазинага улуш қўшиб, дунёни мафтун этганлар. Фақат ўша совет тузумидагина бизнинг бутун миллий тарихимизга хужум ясади. Ҳатто Бобурдек буюк шахсимизга то 1980 йилларнинг ўрталаригача раддият кўрсатиб келган ҳукмронларнинг қилмишларига ўзимиз гувоҳмиз-ку! Оқибатда ўша ҳукмронларнинг фожиали тақдирларию бугунги буюк ғалабаларимиз заминида — ўз буюк аждодларимизга бўлган муносабатларимиз ҳам турганлигини эндиликда кўпчилик идрок этмоқда. **Демак, ўз аждодларинигина эмас, маърифатли шахслар, улар қайси миллат ёки элатта мансублигидан қатъи назар, ҳурмат билан қарашнинг ўзи — кишидан маърифатни талаб қилади. «Зар қадрини заргар билади» тарзидаги халқ мақолида теран фалсафий мантиқ бор. Буюк шахслар, буюк аждодларнинг қадрини дастлаб буюк сиймолар биладилар. Тўғри, оддий инсонлар ҳам ўз буюкларини ҳурмат қиладилар, бунга шубҳа йўқ. Аммо фақат ҳурмат қилишнинг ўзи бу борада камлик қилади. Тараққиётда ундан фойдаланиш эса аксар буюк шахсларга насиб этади. Демоқчимизки ҳаётий фаолиятда қадриятларга амал қилиш — истеъдод талаб қилади. Истеъдод эса ҳаммага тенг берилмайди. Бу ўзи алоҳида катта мавзу...** Бу деган сўз — тарихни ўрганиш, моҳиятига кириш билан унинг энг нурли қирраларини излаб топиб, ижодий давом эттириш, яъни ривожлантириш — асл мақсад бўлиб чиқади. **Бундай жараёнга аввало жамиятнинг энг етук табақалари етакчилик қилади. Бу табақани ҳаётда шахс даражасига кўтарилганлар ташкил этади. Шахс даражасига кўтарилишга интилишнинг туб негизи, моҳияти худди шу нуқталарда намоён бўлади. Демак, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, яъни ҳар бир фуқароси Ватаннинг шунчаки бир аҳолиси ёки фуқаросигина бўлиб қолмай, ўз ташаббуси билан шахс даражасига кўтарилиш учун интилиши ҳам лозим бўлади. Шундагина у шахс — етакчи қобилиятига ҳам эга бўлади. Демак, соғлом авлодни етиштириш учун кураш жараёнидан ҳеч ким четда тура олмас экан.** Бу жараённи тасаввур этганда кўз олдимизга бутун ҳаётий вазиятларда олиб борилаётган амаллар намоён бўлади. Уларнинг натижасида камолга етаётган энг етук шахслар, жамиятни ўз орқасидан эргаштиришга қобил, эл-юртига, жаҳондаги барча эзгу ишларга, мақсадларга содиқ, яхши ниятларига етиш учун курашадиган, ташаббускор, шижоатли, серғайрат ёшлар табақаси кўз олдимизга келади...

Бутун инсоният тараққиётида ана шундай фазилатларга эга бўлган шахслар маънавий ривожланишга етакчилик қилиб келганлар. Тарихда улар абадий ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиб қолганлар... Ва ҳамиша бундай соғлом кучларга турли шакллардаги ёвузлар фитначилик қилиб келганлар. Бундай қаршиликлар ҳозир ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади. Дунё миқёсида хавф солиб турган террорчилар қаёқдан пайдо бўлди? Ёвуз ниятлилар бирикмасидан деб жавоб берилса, хато бўлмас. **Соғлом авлодлар худди шуларга қарши кураш жараёнида ҳам вояга етадилар. Бунинг учун таълим-тарбияга ҳаммамиз бир жон-бир тан бўлиб энг кўп эътиборимизни қаратишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этади. Соғлом авлоднинг асли шиори, мақсади, эътиқоди шудир.**

***Аҳмад АЛИЕВ.***

*Анжуманлар*

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИНИ ЎЙЛАБ

***Бектемир тумани ҳокимлигида Соғлом авлод йили вазифаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туман ҳокимининг ўринбосарлари, шаҳар ва туман халқаро «Экосан» жамғармаси, Ўзбекистон Миллий университети «Экология» кафедраси, Соғлиқни сақлаш ва халқ таълими тизими, корхоналар ҳамда маҳаллалар фаолларининг вакиллари иштирок этишди.***

Йиғилиш қатнашчилари «Соғлом авлод» давлат дастурининг ижроси ва уни амалга ошириш бўйича туманда бажариладиган вазифалар хусусида сўз юритдилар.

Анжуманда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдуфаттоҳ Абдуқодиров йиғилганларга «Соғлом авлод» дастурининг Президентимиз таъкидлаган олти устувор йўналишлари бўйича тушунтириш бериб, ушбу йўналиш ҳар бир шахс, ҳар бир раҳбар зиммасига катта масъулият юклаши ва шу хусусда қилинадиган ишлар юзасидан фикр юритди.

Халқаро «Экосан» жамғармасининг шаҳар бўлими раиси Шоира Иброҳимова «Соғлом муҳит — соғлом авлод гарови» мавзуи бўйича сўзга чиқиб, ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлган Орол денгизи муаммолари ҳақида сўз юритди. Шунингдек, у халқаро «Экосан» жамғармаси туман бўлими ишига баҳо бериш билан бирга бир қатор таклифлар ва келажак режалар ҳақида аниқ йўналишлар берди.

Қозоғистон Экология академиясининг академиги, биология фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий университети «Экология» кафедрасининг мудири, профессор Тўрахон Раҳимова ўз сўзида экология муаммолари шу кунларда жаҳон олимлари томонидан ўрганилиб, Орол денгизи фожиасига катта таъсир кўрсатаётган Ўрта Осиё минтақасида жойлашган Тожикистон алюмин ишлаб чиқариш заводи каби табиий муҳитни қаттиқ ифлослантираётган корхоналарнинг зарари ҳақида тўхталди.

Туман халқ таълими бўлими мудири Шоабдулла Шоаҳмедов, «Алибек» масжиди имом-хатиби Аҳмадқори Иброҳимов, «Ўзиталмотор» бош муҳандиси Асқарали Шокиров, «Кока-Кола» акциядорлик жамияти раҳбари Сесил Галовей ўз чиқишларида «Соғлом авлод» дастурининг олти йўналиши бўйича сўз юритдилар.

***Маҳмуд ОРИПОВ.***

*Эркинлаштириш ҳақида эркин фикр*

# БАНК ВА ТАДБИРКОР — ҲАМКОР ШЕРИКЛАР

***Бугунги кунда тадбиркорлик, кичик, ўрта ва хусусий корхоналарнинг мамлакат иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятини исботлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, бу ҳақда янги шаклланган Олий Мажлис — республика парламенти биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида ҳам, Идоралараро мувофиқлаштириш Кенгашида ҳам, ниҳоят Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил якунлари ва келгуси вазифаларга бағишланган тарихий мажлисида ҳам теран ва аниқ қайд этилди. Иқтисодий фаровонликка эришиш кичик ва ўрта корхоналар қувватини ривожланган мамлакатлар даражасига — яъни умумий ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини 80-90 фоизга қанчалик тез етказиб олишимизга бевосита боғлиқ эканлиги таъкидланди.***

***Юқорида санаб ўтилган олий мақомга эга бўлган уч анжуманда ҳам бу соҳа иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омилларидан бири эканлигига ҳам алоҳида урғу берилди. Энг муҳими — кичик, ўрта ва хусусий бизнес корхоналарини ривожлантиришда тегишли вазирликлар, идоралар, молия ва инвестиция ташкилотлари ва бошқа бозор инфратузилмасига кирувчи бирлашмаларнинг ўрни ва роли аниқ кўрсатиб берилди. Шу асосда бутун республикамизда, шу жумладан, пойтахт Тошкентимизда ҳам қизғин иш бошланиб кетди. Турли мулоқотлар, кенгашлар, амалий семинарлар ўтказилмоқда. Уларда барча манфаатдор ташкилотлар куч-қувватларини жамлаш, ишга солиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Иқтисодиёт билан боғлиқ турли тармоқлар, ташкилотларда янги-янги ташаббуслар юзага келмоқда.***

***Жумладан, республика Марказий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳам банк тизимига кирувчи барча ташкилотлар ишини жонлантириш, тижорат банкларининг тадбиркорлик тизимларига чинакам амалий ва таъсирчан ёрдамини ташкил этиш бўйича ишларни қизғин давом эттирмоқда. Шу ҳақда газетхонларимизга ҳикоя қилиб беришни, «Эркинлаштириш ҳақида эркин фикр» рукнини бошлаб беришни Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошқаруви раиси Б. МИРБОБОЕВдан илтимос қилдик.***

— Тадбиркорликнинг кенг ривожланиши — умуман жамият фаровонлигини жадал ошириб бориш, хусусан банк тизимининг юксалишида муҳим роль ўйнаши ойнадек равшан, — дея суҳбатни бошлади Баҳодир Мирбобоев. — Кредит ташкилотлари иштирокисиз бу борада жиддий ўзгаришни тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам Президентимиз ўзларининг кейинги қатор маърузаларида банк тизими, айниқса тижорат банкларининг олдида турган долзарб вазифаларни ғоят аниқлик билан ифодалаб бердилар, тизим фаолиятидаги сусткашликларни қаттиқ танқид қилдилар. Албатта, давлатимиз раҳбарининг ҳаққоний жон куйдириб айтган гаплари соҳа ходимларнинг бирортасини бефарқ қолдирмади. Иқтисодиётни жўшқин ҳаракатга келтирувчи муҳим омил ҳисобланган банк тизими жамоалари тадбиркорлик ҳаракатини кенг қулоч ёйдиришда чинакам ҳамкорлар бўлиб қолиш чораларини излашяпти. Юртбошимизнинг **«Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг банклар, бошқа бозор тузилмалари ва йирик корхоналар билан кундалик алоқаларини амалда мустаҳкамлаш, уларни ҳақиқий шерикчилик муносабатларига айлантириш лозим»,** деган гаплари тизимимизнинг ҳар бир ходимида катта масъулият уйғотишига шубҳа йўқ.

Мазкур кўрсатмадан келиб чиққан ҳолда республика Марказий банки ҳудудий бошқармалар ҳамда тижорат банклари тажрибалари ва таклифлари асосида банклар фаолиятини эркинлаштириш, кредитлар ажратиш жараёнини соддалаштириш орқали тадбиркорликнинг жадал ривожланишига жиддий ижобий таъсир этиш омиллари — яъни иқтисодий ва ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқмоқда. Бизнинг шаҳар бош бошқармамизда ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди. Чунончи, кичик ва ўрта бизнес корхоналари раҳбарлари билан уларни қизиқтирган долзарб муаммолар хусусида тўғридан-тўғри мулоқотлар, учрашувлар, давра суҳбатларини ўтказиш доимий йўлга қўйилди. Барча тижорат банкларида «Эътирозлар ва таклифлар дафтари» юритилиши қатъий жорий этилган. Бош бошқармамизда ташкил этилган «Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича банк тизимидаги ишлар мониторинги ва таҳлили» бўлимининг махсус Ишонч телефони муттасил ишлаб турибди. 152-39-03 рақамли ушбу Ишонч телефони орқали тадбиркорлар кўтарган ҳар қандай муаммо 2-3 кун ичида ҳал этилишига эришиляпти.

Тижорат банклари фаолиятини эркинлаштириш борасида уларга кичик ва ўрта тадбиркорларга кредитлар беришда ўз хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда иш кўриш тавсия этилмоқда. Фақат ушбу фаолият режаси Марказий банк томонидан тасдиқланган кредитлаш бўйича меъёрий ҳужжатларга зид бўлмаслиги шарт, холос. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиявий таъминлашда банклар ўртасида соғлом рақобатнинг шаклланиб боришига қаратилган бир қатор омилларни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Умуман, тижорат банклари ва уларнинг бўлимларининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида кредитлаш кўрсаткичлари асосида улар ишини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилмоқда.

Банкларнинг молиявий фаоллигини ошириш, уларни мижозлар сонини ва кредитлар миқдорларини оширишга йўналтиришда ички омилларни ишга солишнинг ҳам аҳамияти катта. Шу асосда тижорат банклари акциядорларининг ролини ошириш, банк кенгашини ташкил этиб, йилнинг ҳар чорагида барча соҳалар бўйича қилинган ишларни ўрганиб, аниқ вазифалар белгилаб олиниши йўлга қўйилади.

Албатта, банк тизими ходимлари қўлларидан келган барча чораларни кўриб, Юртбошимиз соҳа олдига қўяётган юксак талабларни бажаришга бутун куч ва билимларини сарфлайдилар. Лекин тажрибаларнинг кўрсатишича, банклар билан бир қаторда бозор инфратузилмасига кирувчи бир қатор ташкилотларнинг ҳам «аравани баравар тортишлари» муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани кўзга ташланмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, кредитлаш жараёни энг мураккаб ва узоқ чўзиладиган жараён бўлиб қолмоқда. Банклардан масъулиятни олмаган ҳолда адолат юзасидан бу жараёнда бошқа молиявий тизимлар фаолиятидаги сусткашликлар ҳам жиддий роль ўйнаётганлигини айтиб ўтиш керак.

Масалан, биринчи навбатда кредит олиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштиришда тадбиркорлар жиддий ёрдамга муҳтожликлари аён. Тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар Палатаси ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг жойлардаги бўлимлари бу хусусда катта амалий ёрдам беришлари мумкин. Қолаверса, бу — уларнинг бевосита бурчи дейиш мумкин. Маълумки, ишончли кафолат бўлган тақдирдагина берилган қарзни вақтида қайтаришга умид боғлаш мумкин. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда кўрсатилганидек, бюджетдан ташқари жамғармалар — «бандлик» жамғармаси, деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, бизнес-фонд, суғурта жамғармалари кафолат, яъни кафиллик хатини вақтида беришса юқоридаги жараён тезлашган бўлади. Айнан шу жамғармалар кредитлар билан таъминланганлик муаммосини ҳал этишга таъсирчан ёрдам беришлари мумкин. Улар, масалан, олинган кредит етмай қолиб, қўшимча қарзга эҳтиёж туғилганда ўз сармоялари билан шу лойиҳани тўлиқ амалга оширишга кўмаклашган бўлардилар.

Яна бир гуруҳ камчиликлар тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқлари акс этган қонунларни, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини ҳамда Марказий банк ишлаб чиққан йўриқномаларни яхши билмасликлари билан боғлиқ. Бу масалада банк тизими жамоалари, Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар Палатаси, жамғармалар ходимлари биргаликда тушунтириш ишлари олиб боришни доимий йўлга қўйишимиз керак, деб ўйлаймиз.

Хуллас, кичик ва ўрта бизнес корхоналари тармоғини кенг ривожлантириш учун курашда банк тизими ходимлари фаол иштирок этишга тайёрдирлар. Биз барча тадбиркорларни ўз йўлларида банк соҳасида учраган муаммолар бўйича бевосита бизга мурожаат этишларини сўраймиз. Бевосита идорамизга келишингиз ёки ўзингизга маълум 152-39-03 рақамли Ишонч телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Умуман, иқтисодиётимиз тараққиётининг асоси бўлган кичик, ўрта ва хусусий бизнес корхоналарини ривожлантириш муаммолари бўйича ҳар қандай мулоқотлар, давра суҳбатлари, теле-радио журналистлар, газеталар ходимлари билан учрашувларга тайёрмиз. Марҳамат, мурожаат қилинг — ҳамиша хизматингизга тайёрмиз.

***Саид ВАЛИЙ ёзиб олди.***

